



Буюк қардошлик оиласида

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 НОМДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

● 282 (19.058) — 283 (19.059) ● Якшанба, 9 декабрь 1984 йил ● Баҳоси 5 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ШОНЛИ РЕВОЛЮЦИОН, ЖАНГОВАР ВА МЕХНАТ АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТКАШЛАРИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАХБАРЛИГИДА ХАЛҚ ХУЖАЛИГИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ. ЭТИШГА ЯНАДА КЎПРОҚ КУЧ-ҚАЙРАТ САРФЛАЙДИЛАР, ВАТАННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МУДОФАА ҚУДРАТИНИ, СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛАРЧА ДУСТЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШДА, МАМЛАКАТИМИЗДА РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЯНГИ-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАДИЛАР ДЕБ, ҚАТЪЙИ ШОНЧ БИЛДИРАДИЛАР.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табриқномасидан).



ТОШКЕНТ. 1984 йил 8 декабрь. В. И. Ленин номи СССР халқлари дўстлиги саройи. Суратда: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси президиуми.

Ўртоқ В. И. ВОРОТНИКОВ нутқи

Хурматли ўртоқлар! Дўстлар! Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Коммунистик партияси олтинчи ёшга тўлди. Мана шу шонли кунда аввало КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг топиширини зўр мамнуният билан адо этишга — юбилей муносабати билан унинг сизларга, республиканинг барча меҳнаткашларига сизидидан йўллаган қутловларини ва социалистик қурилишнинг барча соҳаларида муваффақиятларга эришувининг тилаб билдирган гоят самимий истакларини топиширига ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар, сизларга Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг Олий Совети Президиуми билан ҳукумати қизгин қутловлар ва янги-янги муваффақиятлар тилаб билдирган истакларини йўлайдилар. Биз халқларимиз дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги бундан буён ҳам мустаҳкамлашиб ривожланишига ҳамма ва ҳар бир кишига, ҳар бир хонадонига, ҳар бир меҳнаткашига бахт-саодат ва омон-есонлик тилаймиз.

Утган олтинчи йил мобайнида республиканинг ишчилар синфи, деҳқонлари, инженирлар мамлакатимиз барча халқларининг бузилмас қардошлик иттифоқида социалистик бунёдкорликнинг шонли йўлини босиб ўтидилар. Октябрь, улуғ Ленин голлари ўзбек халқига қанот бағишлаб, улуғ ижодий кучлари ва маънавий ғайрат-шижоатини рўбга чиқарди, ўтмишда чор Россиянинг қолоқ чекка ўлкаси янги турмуш чўққилари сари мислсиз парвоз қилишини таъминлади.

Ўзбек халқининг социалистик давлатчилиги мамлакат эркин халқларининг ягона ва қудратли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига ихтиёрий равишда бирилашувни доирасида шаклланди, бу эса Ўзбекистонни иқтисодий ва социал ривожлантиришининг, халқ фаровонлиги ва маорифни ўстиришининг, фан ва маданият мислсиз равишда топишининг юксак сураятлари билан қўллангани ҳал қилувчи даражада белгилаб берди.

60 йил мобайнида Ўзбекистонда социалистик ва коммунистик қурилишнинг негизи — ишчилар синфи ўсиб етишди ва камол топди. Революцияга қадар сизларда атиги 18 минг ишчи бор эди, андиликда эса республика корхоналарида замонавий билим ва қудратли техника билан қуролланган салкам уч миллион ишчи меҳнат қилмоқда.

Революциядан аввалги Ўзбекистонда, қадимий маданият ўлкасида, Навоий ва Улуғбек, Ибн Сино ва Беруний ўлкасида аҳолининг икки процентдан сал кўпроги савдохон эди. Аҳолининг гоят катта кўпчилиги жаҳолатда ва хурофотда яшарди.

Бугунги Ўзбекистон ёлпасига савдохон ўлкага эмас, Республикада унвал олий ўқув юртига, шу жумладан 1920 йилда Владимир Ильич Лениннинг имзоси қўйилган Денкерт билан ташкил этилган Тошкент давлат университетини ишлаб турибди. Ўзбекистонда яшовчи ҳар ўн минг киши ҳисобига студентларнинг сонини жаҳатидан республиканинг Англия ва ГФР каби мамлакатлардан ўзиб кетган. Халқ хўжалигида ишлаётган кишиларнинг тахминан бешдан бир қисми олий ва ўрта махсус маълумотга эга.

Социалистик Ўзбекистон — кўп тармоқли, саноати юксак даражада тараққий этган республикадир. 1700 дан кўпроқ корхона замонавий самолётлар, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, қора ва рангли металллар, минерал ўғитлар, электрон приборлар ва радио приборлари, турли газламалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Ана шу корхоналарнинг деярли ҳаммаси Совет

ҳокимияти йиллари мобайнида барпо этилган. Республикада 1924 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 234 баравар кўпайди. Бу ўртоқлар, ҳақиқатан ҳам афсонавий рақамдир! Ўзбекистон меҳнаткашлари аграр саноат комплекси эҳтиёжларига хизмат қилувчи тармоқларини ва биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Умумийтифоқ миқёсида ишлаб чиқарилаётган жами чигит экин ва пахта териш машиналари, пахта тозалаш ва пилталаш машина-ускуналари республика ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон ўзининг юксак даражада механизациялаштирилган замонавий қишлоқ хўжалиги билан ҳам машҳурдир. Мамлакатдаги «оқ олтин»нинг учдан икки қисмидан кўпроги сизларнинг далаларингизда етиштирилмоқда. Ўзбек пахтакорлари партия ташкилотлари раҳбарлигида айниқса кейинги вақтларда толанинг сифатини ошириш, янгиқча толали пахта етиштиришни қўлайтириш учун талайгина ишлар қилмоқдалар. Пахтакор хўжаликлар ва қайта ишловчи корхоналар ишига пировад маҳсулотга қараб баҳо беришга ўттиш тўғрисидаги муҳим ташаббусини ҳамма қўллаб-қувватлаб, маъқуллади, мамлакатнинг барча районларидаги тўқимачилар эса бу ташаббуснинг яхши самараларига шу йилнинг ўзидаёқ муносиб баҳо бермоқдалар.

Социализм сизларнинг қадимий ва абадий навқирон дийрингизнинг бутун қиёфасини ўзгартириб юборди. Чўл районларида катта-катта сув омборлари, сугорни каналлари, гидроузеллар пайдо бўлди. Эндиликда уч ярим миллион гектар майдонини эгаллаган жуда катта массивларга сув чиқарилиди. Мирзачўл, Живзах ва Қарши даштлари кенг наҳба бўйлаб ўзлаштирилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ерларни мелиорациялаш соҳасидagi тажрибасини ўрганоқдалар ҳамда ўз шароитларини ҳисобга олиб Россиянинг Никоратупроқ зонасида ва Волгада, Шимолий Кавказда ва Узоқ Шарқда қўлламоқдалар. Ўзбекистонлик мелиораторлар Владимир ва Иваново, Новгород ва Тюмень областларида эса қишлоқ меҳнаткашларига бевосита оталиқ ёрдами бермоқдалар. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ узоқ муддатли мелиорация программасини амалга оширишга киришган айниқса бугунги кунда ниҳоятда муҳимдир.

Ўз навбатида Россия Федерацияси аввалгидек қардош Ўзбекистон кадрлар ва техника билан, истеъмолад моллари ва фан-техника ютуқлари, ишлаб чиқариш тажрибаси ва бошқа кўп нарсалар билан ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқда. Бу — амалдаги социалистик интернационализм бўлиб, халқлар буюк дўстлигининг гоят мустаҳкам моддий негизидир.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўзбекистон ССР-нинг илмий ва маънавий потенциали беқиёс даражада ошди. Олимларингизнинг математик статистика, биоорганик химия, генетика ва селекция, сейсмология соҳасидаги ҳамда замонавий илм-фаннинг бошқа йўналишларидаги тадқиқотлари мамлакатимизда ва чет элларда кенг эътироф этилди.

Қардош ўзбек халқининг бадиий маданияти уйғун ва самарали ривожланимоқда. Ўзбекистоннинг ижодкор ходимлари миллий адабиёт ва санъатнинг илгор анъаналарига таяниб, қардош халқларнинг маданият арбоблари билан қалин баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, йил сайин ўзларининг янги асарлари билан хушнуд этмоқдалар, бу асарларнинг кўпчилиги умумийтифоқ, умумимиллий мулк ҳам бўлиб қолмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига СССР Олий Совети Президиумига СССР Министрлар Советига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Константин Устинович ЧЕРНЕНКОга

Биз, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчилари республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан жонон Ленин партиясига, КПСС Марказий Комитетига, унинг Сийёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига, ССР Иттифоқи Министрлар Советига ва шахсан азиз Константин Устинович Черненкога оташин салом ва чин қалбдан чўқур миннатдорчилик сўзларини йўлаймиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табриқномаси юбилейимизга алоҳида аҳамият бахш этди. Зўр сийёсий кучга эга бўлган бу ҳужжат республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари коммунистик қурилишда янги зафарларга илҳомлантирди.

Улуғ Октябрнинг қадимий, шу билан бирга абадий навқирон ўзбеклар дийри бўйлаб қудратли одим ишларининг улувдорлиги, бунёдкорлик гоят кенг қулоч ёзганлиги билан нишонланган. Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичда Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида, деимча миллий сийёсат амалга оширилганлиги, улуғ рус халқининг, мамлакатдаги барча халқларнинг қардошларча ёрдами туяйли ўтмишдаги феодал қолоқликдан иқтисодий ва социал тараққиёт чўққилари сари гоят катта сарқаш қилди.

Улуғ Октябрнинг қадимий, шу билан бирга абадий навқирон ўзбеклар дийри бўйлаб қудратли одим ишларининг улувдорлиги, бунёдкорлик гоят кенг қулоч ёзганлиги билан нишонланган. Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичда Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида, деимча миллий сийёсат амалга оширилганлиги, улуғ рус халқининг, мамлакатдаги барча халқларнинг қардошларча ёрдами туяйли ўтмишдаги феодал қолоқликдан иқтисодий ва социал тараққиёт чўққилари сари гоят катта сарқаш қилди.

Республикада вужудга келтирилган қудратли қурилиш индустрияси йирки саноат корхоналари ва янги социалистик шахарлар барпо этиш имконини берди. Транспорт ва алоқа, коммунал хўжалик, савдо-сотиқ ва маънавий хизмат кенг ривож топди.

КПССнинг аграр сийёсатини амалга ошириш натижасида ташкил этилган юзлаб юксак даражада механизациялаштирилган колхоз ва совхозлар, агро-саноат бириламалари Озиқ-овқат программасини амалга оширишга Ўзбекистоннинг тобора кўпроқ ҳисса қўлишини таъминламоқда, замонавий сув омборлари, сугорни каналлари бунёд этилган бўлиб, улар қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олинишини таъминламоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг сугорилган экинзорлари 3,7 миллион гектарга борди. Партиянинг иродаси, халқнинг меҳнати билан Мирзачўл, Живзах, Қарши даштлари

каби жуда катта массивлар, Марказий Фарғонанинг қўриқ ерлари, Амударё этакларида ерлар ўзлаштирилди. КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорлари сугорилган деҳқончиликни ривожлантиришининг янги ўқиларини очди.

Пиллачилик ва қоракўчлик, богдорчилик ва узумчилик, дон ва канош, сазавот ва полза маҳсулотлари, гўшт ва сўт чорвачилиги — республиканинг замонавий қишлоқ хўжалигини ташкил этади. Бизнинг асосий бойлигимиз ва ифтихоримиз — пахта тўғрисида ҳаммамиз алоҳида ғамхўрлик қилмоқдамиз. Мамлакатни тобора кўпроқ миқдорда гоят қимматли пахта толаси билан таъминлашни, унинг сифатини оширишни ўзимизнинг интернационал-бурчимиз деб биламиз.

Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари талаба қозониб, мустаҳкамланганлиги халқнинг маънавий ривожланишини гоятда зўр куч билан жадаллаштирди. Бутун мамлакатда бўлган каби Ўзбекистонда ҳам коммунизм актив бинокорларининг янги авлодлари вояга етди. Жумладан, маҳаллий аҳолига мансуб ишчилар синфининг сонини кўпайди, улар социалистик жамиятнинг етакчи кучини ташкил этади. Қишлоқ меҳнаткашларининг психологиксиз тубдан ўзгарди. Чинакам халқ инженирларининг кўп сонли отряди ташкил топди.

Бугунги Ўзбекистон — йлпасига савдохонлар республикаси. Иқтисодий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир минг кишининг 90 нафарини ўрта ёши олий маълумотлиқдир. Ўқув юртиларининг, маданият, соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг тармоғи, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилган.

Республикада тарихий аҳамиятга молли социал вазифа ҳал қилинган — хотин-қизларнинг чинакам тенг ҳуқуқлиги амалда таъминланган. Ўзбек аёлнинг асрлар бўйи давом этиб келган ҳуқуқсизлиги ўтмишда қолиб кетди, унинг учун янги ҳаёт қурилиши нег ва порлоқ йўли очиб қўйилган.

Социалистик қурилишнинг барча босқичларида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, инженирлар ўзларининг энг яхши маънавий фазилатларини — гоҳийлик, интернационализм, социалистик Ватанга садоқат фазилатларини тўла-тўқис намоён этиб келдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам фронтда қарамонона жанг қилдилар, мамлакат ичкарисида фидокорона ишлаб, кўчириб келтирилган неча юз минглаб кишилар, айниқса болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиб, меҳрибонлик кўрсатдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

